

Таълим соҳасида рақамли таълим технологиясидан фойдаланиш самарадорлиги

Акрамова Н.В

Тошкент Халқаро Вестминстер
Университети ўқитувчиси

Таълимий сайтлар муаллифи Марк Пренскининг “Digital Natives, Digital Immigrants” (“Рақамли дунё соҳиблари, рақамли дунё муҳожирлари”) номли мақоласида бугунги кун талабаларига қуйидаги таърифни беради: “Ҳозирда талабаларимиз батамом ўзгарган. Замонавий талабалар эндиликда биз ишлаб чиққан таълим тизимимизга кўра ўқитиладиган кишилар эмас”. Мақолада бугуннинг талабалари “Digital Natives” – “Рақамли дунё соҳиблари”– бугунги кунда компьютер, видео ўйинлари ва интернетнинг рақамли тилида ўз она тилидай сўзлашувчиёшлар сифатида таъриф берилди. Таълим соҳаси вакиллари ўқитувчиларга эса “Digital Immigrants” – “рақамли дунё муҳожирлари” – рақамли, электрон дунёга мослашаётган, янги технологияларнинг кўпгина қирраларини энди қабул қилаётган кишилар сифатида баҳо берилди.

Шу жihatдан, ўқитувчилар талабалардан бу йўналишда бир оз ортдамиз. Юқорида ёлғиз Google Classroom таълим платформасининг имкониятлари ҳақида тўхталдик. Бу сингари катта имкониятларга эга рақамли таълим платформалари ўнлаб топилади. Сиз улардан истаганингиз орқали ўқитишни йўлга қўйишингиз мумкин.

Умуман, ҳозирги кезларда таълим тизими вакиллари ўзлари билмаган ҳолда катта тарихий миссияни бажаришмоқда. Шу кунга қадар кўп гапирганимиз масофавий, рақамли таълимнинг Ўзбекистон олий таълими тизимидаги ҳақиқий пойдевори ана энди қўйилмоқда. Қайсидир ўқитувчи телеграмм мессенжери орқали гуруҳ очиб, яна бири интернетда Zoom дастури орқали, бошқаси эса рақамли таълимий дастурлар орқали дарс ўтишни бошлаб юборишган.

Таълим тизимида таълим сифатини оширишга қаратилган рақамли ўқитиш платформалари кўпаймоқда, бунда анъанвий ва онлайн таълимнинг энг яхши томонлари бирлаштирилиб аралаш таълим тизими шакллантирилмоқда. Аралаш таълим нархининг пастлиги, мослашувчанлиги, бепуллиги, бундан ташқари таълим жараёнида мураккаб технологияларни қўллаш афзаллиги ушбу альтернатива учун сабаб бўлади. Бу тенденцияга бўлган қизиқиш таълим жараёнида талабаларга таъсир этади ва таълим сифатини оширади. Кўпгина тадқиқотлар онлайн таълим талабаларда креатив фикрлашни ривожлантиришга сабаб бўлишини кўрсатган, яъни талабаларнинг мустақил таълим олишига, индивидуал эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўқув жараёнига мослаштириш қобилиятини шакллантиришга асос бўлади.

Ҳозирги глобаллашув даврида интернет тармоғи орқали реал вақт тизимида ўқитиш тезлик билан ривожланиб бораётган таълим олиш турларидан бири ҳисобланмоқда. Масофавий таълим тизими ихтиёрий масофадан ҳеч бир тўсиқларсиз таълим бериш ва таълим олиш имкониятини яратади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, анъанавий таълим тизимига нисбатан реал вақт тизимидаги масофавий таълим тизимида ўқитиш амарадорлиги юқорироқдир (Меанс, Тояма, Мерфи, Бакия ва Жонс, 2013).

Тюторлар осонлик билан ўқув мат ериалларини, яъни визуал презентациялар (тақдимотлар) ва видео маърузаларни ўқувчига тармоқ орқали керакли форматда

жўнатишлари мумкин. Бундан ташқари интернет тармоғи орқали реал вақт тизимида таълим олаётган талабага сайтга рўйхатга олингандан сўнг турли электрон кутубхоналар ва видео маърузаларга кириш имконияти берилади.

Ҳозирги пайтда “инновацион технология” атамаси икки маънода қўлланади.

3. Замонавий техника (компьютерлар)ни таълимга татбиқ этиш технологияси. Таълимни компьютерлаштириш, ўқув–тарбия жараёнида аудиал, аудио–визуал асбоблардан фойдаланиш, ўрганиладиган ўқув ахборотларини компьютер хотирасига жойлаштириш, машиналаштирилган программали, шунингдек, компьютерли таълим каби ходисаларни англаш педагогик технология тушунчасининг биринчи маъносига тааллуқлидир.

4. Таълимни юқори даражада самарали ташкил этиш учун мақсад, вазифаларни аниқ белгилаш, таълим натижасини олдиндан қайд этиш, ўқув материалларини тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун зарурий таълим воситалари, шарт–шароитларини тайёрлаш. Бу маънода таълим технологияси олдиндан қайд этилган, аниқ, қафолатланган натижага эришиш учун зарурий тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнини унга риоя қилиб ташкил этишни англатади.

Таълим технологияси деб ўқув – тарбия жараёнида ўқувчи мақомини ўзгартириш, янгилаш йўли билан маълумот мазмунини ва уни моддийлаштириш даражалари –ўқув материали, ўқув предметига педагогик ишлов бериш, ўрганиладиган мавзунини ўқувчиларнинг реал ўқув-билув имкониятларига мослаштириш, таълим натижасини қабул қилинган давлат таълим стандарти даражасига кўтариш ва баҳолашга оид усуллар, воситалар, таълимнинг ташкилий шакллари тушунамиз. Таълим технологияси ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг ҳозирги етакчи тамойили (субординация)ни чегаралайди, унда координация ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришнинг етакчи тамойилига айланади. Координация таълимни ташкил этиш, бошқариш, назорат этишнинг бош тамойилига айланганда ўқувчи таълим жараёнининг ўқитувчи билан тенг ҳуқуқли субъектига айланади, таълимни ўқитувчи ва ўқувчи биргаликда амалга оширади, ўқиш ва ўрганишнинг ўқувчи шахси учун қиммати ошади.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ПЕДАГОГИК НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

*Шамсиддинова Д.Х.,
Нимомий номидаги ТДПУ
4 – курс талабаси*

“Педагогик низо” тушунчасини юқорида таъкидлаганимиздек шахснинг таълими ва тарбиясига дахлдор субъектларнинг фаолиятлари нуқтаи назаридан изоҳлаш тўғри бўлади.

В.А.Сухомлинский педагогик низоларни “мактаб фаолиятига хос бўлган жиддий, мураккаб ва кўнгилсиз ҳодиса” деб таърифлайди. Яъни “педагог ва бола ўртасидаги, педагог ва ота-оналар ўртасидаги, педагог ва жамоа ўртасидаги низолар – мактаб фаолиятига хос бўлган жиддий, мураккаб ва кўнгилсиз ҳодисадир. Низо кўпинча педагогнинг талаба шахси тўғрисида нотўғри ўйлаши сабабли келиб чиқади. Бола шахси тўғрисида ижобий фикрда бўлиш педагогик низолар келиб чиқишининг олдини олади.